

ЎСИМЛИК ШИРАЛАРИДАН ЙИҒИШТИРИЛГАН АСАЛНИ АНИҚЛАШ

Д.Насимова, А.Аллазов – магистратура талабалари

Аннотация: Асалари қурғоқчилик келган йиллари ва айниқса энг иссиқ вақтларда (июнь ойининг иккинчи ярмида) айрим пайтларда баҳорда ва эрта кузда ўсимлик баргларида, танасида ҳосил бўлган, яъни “тла” чиқарадиган ширалардан йиғиштирилган асал ўзининг табиатига кўра табиий асалдан бир мунча фарқ қилади, лекин табиий асалга киради.

Бу асалнинг таркиида ўсимлик нектаридан йиғиштирилган асалга нисбатан декстрин крахмал моддаси, сахароза, азотли ва минерал моддалар кўп, инверт шакари кам бўлади. Бундай асални сотишга рухсат этилади, лекин идишларига кўк рангли ёрлик ёриштирган бўлиши лозим.

Калит сўзлар: Диастаза, метилен кўки, ареометр.

Асал қандай эканлигини аниқ билиш учун уша жой шароитидаги шарбат берадиган ўсимликларга ариларнинг училини кузатиб, аниқ қайси ўсимлик гулидан тўпланишини билиш мумкин, қачонки уша арихона жойлашган фойдали радиусда шарбат берувчи ўсимликларнинг бир хил тури ўстирилса монофлёр асалига киради. Агарда уша арилар учадиган радиусда шарбат берадиган ҳар хил ўсимлик ўсадиган бўлса, у ҳолда асалга аниқ баҳо бериш қийин бўлади.

Асалнинг тозаллиги ва қайси тур асалга мансублигини билиш мақсадида асалнинг кимёвий ва физикавий таркибини аниқлаш орқали асалга баҳо бериш мувапф бўлади. Асал таркиби қандай бўлишлиги ариларнинг наслига ҳам боғлиқ бўлиб, асалларнинг таркибида учрайдиган гулчанг заррачалари ҳам ҳар хил гулларга мансуб бўлади.

Ўсимлик барг ширасидан “тла” чиқарган ширин суюқликдан жамғарилган асалнинг ранги тиниқ сариқ, қорамтир бўлади. Ҳиди ёқимсиз, хушбўйлиги кучсиз ёки бўлмаслиги ҳам мумкин. Таъми ўзига хос бўлиб ачқимтир бўлади.

Тадқиқот услуби ва объекти. Мавзу бўйича бажариладиган ишлар Сиеб деҳқон бозоридаги ветсанэкспертиза лабораториясида амалга оширилди. Асални текшириш учун 5 хилдаги тахминан ўртача 200 грамдан намуналар олинди ва экспертиза текширишидан ўтказилди. Олиб келинган асал органолептик ва лаборатория усулларида текширилди.

1-жадвал

Асални органолептик усулида текширилгандан кейин олинган натижалар

Намуна	Асални хиди	Асални консистенцияси	Асални ранги	Асални хушбўйлиги	Асални таъми
1-намуна	Ўзига хос	Қаттиқ	Оқ	Хушбуй	Ширин
2-намуна	Ўзига хос	Қаттиқ	Оқ	Хушбуй	Ширин
3-намуна	Ўзига хос	Суюқ	Сариқ	Хушбуй	Ширин
4-намуна	Ўзига хос	Қуюқ	Сариқ	Хушбуй	Ширин
5-намуна	Ўзига хос	Қаттиқ	Оқ	Хушбуй	Ширин

Асални лаборатория усулида текширилгандан кейин олинган натижалар.

1. Спиртли реакция. 1:2 нисбатда асал эритмаси тайёрлаб, 1 млдан 5 та пробиркага солдик, устига 10 млдан 96 фоизли этил спирти қўшиб аралаштирдик ва назорат қилдик.

2. Охакли реакция. 1:2 нисбатда тайёрланган асал эритмасини тайёрлаб 2 млдан 5 та пробиркага солдик, устига 4 мл охакли сув қўшиб уларни қайнаш даражасигача қиздирдик ва назорат қилдик.

Охакли сувни тайёрлаш усули: сундирилмаган охакка дистилланган сув қўшиб, 2-3 марта аралаштирдик. 12 соат ўтгандан сўнг аралашманинг устки тиниқ қисмини ишлатдик.

3. Сирка кислотаси қўғошини билан реакция. 1:1 нисбатда асал эритмаси тайёрлаб олиб 5 та пробиркага 2 млдан солиб, устига 2 млдан дистилланган сув ва 5 томчидан 25 фоизли сирка кислотаси қўғошини томиздик. Хар қайси пробиркани яхшилаб аралаштирдик, ва 3 минут 80-100⁰Сли сув хаммомига қўйиб назорат қилдик.

2-жадвал

Бажарилган тажрибаларнинг натижаси қўйидагича эътироф этилди

Намуналар	Спиртли реакция (намуналарнинг ранги)	Охакли реакция (ранги ва чўкмаси)	Сирка кислотаси қўғошини билан реакция (чўкма)
1-намуна	Қисман лойқа	Қўнғир ранг чўкма йўқ	Йўқ
2-намуна	Қисман лойқа	Қўнғир ранг чўкма йўқ	Йўқ
3-намуна	Қисман лойқа	Қўнғир ранг чўкма йўқ	Йўқ
4-намуна	Кучли лойқа	Қўнғир ранг чўкма йўқ	Йўқ
5-намуна	Лойқа чўкма билан	Паға-паға қўнғир рангли чўкма билан	Бор

Ўтказилган тажрибалардан шуни билиш мумкинки 5- рақамдаги намунамиздаги асал ўсимлик баргларидаги танасида ҳосил бўлган яъни “тла” чиқарадиган ширалардан йиғилганлиги аниқланди.

Хулосалар.

1. Етиштирилаётган асалнинг таркиби асалари уяларининг жойлашиш майдонларига, дарахтларнинг турларига боғлиқ. Ўсимлик ва дарахтларнинг турлари асалнинг таъмига хидига рангига кучли таъсир кўрсатади. Асалнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашда асалари зотиға уларнинг яшаш мухитига сақланишига, кўпайиб равожланишига, зарурқунандаларга қарши курашишга эътибор бермоғимиз даркор.

2. Сотилаётган асални истемолға яроқли ёки яроқли эмаслигини назорат қилиш. Уни турли усулларда сифат кўрсаткичига эътиборли бўлиш, Деҳқон бозорига олиб келинган асални синчиклаб текшириш бизнинг вазифамиздир.

САССИҚ КОВРАК ДОНИНИНГ КУЁНЛАР КЛИНИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

З.И.Илёсов – талаба, Ғ.Х.Эшматов – ассистент

Аннотация. Тажрибалар асосида олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, сассиқ коврак дони куёнлар маҳсулдорлигига 28 кун давомида ижобий таъсир этишини кўрсатди. Аммо куёнлар рационига узоқ вақт аралаштириб бериш заҳарланиш клиник белгиларини намоён қилмасида, улар тирик вазнининг ўсишини пасайтиради.

Кириш. Кейинги йилларда Республикамиздаги олимлар (М.А. Маматханова ва башқалар 2010) ҳам Ferula L туркумига кирувчи бир қанча ўсимликлардан жигар фаолиятини химоя қилувчи фланорин, буйрак касалликларини даволашда кенг қўлланиладиган цинарозид дориларини ва эстроген таъсирига эга бўлган куфэстрол воситаларини яратдилар.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари айниқса яйлов ҳайвонлари бўлган қўй, эчки, туя ва бошқа шу кабилар ўз организмнинг озука моддаларига бўлган талабини яйлов ўсимликларини истеъмол қилиш эвазига қондиради. Баҳор ойларида барча яйлов ўтлари